



Москвалик иккинчи синф ўқувчиси Кирилл Максимов машҳур Гиннеслар китоби рекордчилари билан бемалол баҳслаша бўлади, чунки ҳозир Кириллнинг бўйи 136 сантиметр, вази 33 килограмм. Унинг кўрсатилган натижалари кишини ҳайратга солай қўймайди. Унинг учун машқ пайтда вази 111 килограммга тенг штанга билан ўн беш марта ўтириб-туриш ҳеч гап эмас.

СУРАТДА: Кирилл машқ пайтда.

○ **ЛАБИТНАНГИ.** [Ямак не-нецлар автоном округи]. Тюменлик геологларнинг каш-фити агроаноат комитети мутахассисларини қувонтирди. Кўтб доирасидаги Урал терри-ториясида катта, гоёт сифатли фосфорит кони топилди. Унинг запаслари неча ўн миллион тоннага боради. Бинобарин, область колхозлари ва совхоз-лари кам деганда 30 йил мо-байнида етарлича фосфорит то-понинга эга бўладилар. Хо-лҳа у Москва областидан бу ер-га кеттирилмоқда. Кейинги йилларда регион бағридан мис, хромит ва турли бинокор-лик материалларининг истиқ-болли конлари топилди.

○ **НОЕМБЕРЯН** [Арманистон ССР]. Арманистоннинг Неом-берян районидagi чўққачилик фермаларининг ҳамма чўқа-лари оилавий пудратта тақсимлаб берилди. Бул-тур ана шу усул асо-сида ишлаш тўғрисида мўл-жалдаги 360 тонна ўғрига 600 тонна гўшт тайёрланди. Омуҳ-та эм сарфи учдан бир хисса озаиди. Ҳозир райондаги бар-ча мевазорлар ва ем-хашак экинзорлари ҳам ижарага бе-рилди.

○ **ТОМСК.** Ҳозир Томск область «Мазаловский» совхо-

зи фермасида ҳар бир сиргир-дан кунига бир пуддан кўпроқ-сўт соғиб олиномоқда. Ҳолбу-ки, совхоз бундан бир йил ав-вал ҳам қолқорлар қаторида эди. Ижара пудрати ана шу қо-лоқликдан чиқишда ёрдам бер-ди. Чорвадорлар совхоздан сиргирлар, оғилхона, машина-ускуналарни ижарага олдилар. Механизмларни ўзлари сола-дилар. Машина-ўқунларни р-оставдилар. Натижада би-ринчи йилдаёқ ҳар бир сиргир-дан соғилдиган сўт 1200 ки-лограммдан кўпайди. Чорва-дорларнинг иш ҳақи ҳам орт-ди. Ҳўжалиқнинг бошқа кол-лективлари ҳам янгиҳа пуд-ратга ўтидилар. Масалан, учта зверо дон еттиштириши, икки-та зверо ем-хашак тайёрлаши ижарага олди.

○ **МИНСК.** Минск иситиш ус-куналари заводининг мутахас-сислари москвалик ҳамкасб-лари билан биргаликда зарарли-тутунларни нейтраллаштирадиган юксак самарали системани ишлаб чиқдилар ва корхонада жорий этдилар. Бу эса атроф-муҳит бўғаланишини анча ка-майтиришдан ташқари, ёқил-ғини тежашга ҳам имкон бе-ради. Илгари металл қуйиш операцияларидан сўғ ҳосил бўладиган учувчи компонент-

лар атмосферага чиқариб юборилган бўлса, эндиликда орқага қайтарилиб, ёқил-моқда. Шунинг натижаси-да кокс сарфи ҳам ан-ча озаиди. Шундай қилиб, кўп йиллардан бери Минскининг ҳа-вони бўғалдиган асосий жой-ларидан бири бўлиб келган завод экологик жиҳатдан то-за бўлиб қолди.

○ **МОСКВА.** «Красный Про-летарий» станоксозлик бир-лашмаси билан Болгариядаги шундай «берое» заводи ўрта-сида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага имзолар қўшил-ди. Ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамдўстлик кетидан соқил соҳада ҳам ҳамкорлигини йўл-га қўйишга қарор қилинди. Ҳамкорлик планларини пар-тия, касаба союз, ёшлар таш-килотлари имзолади. Масалан, Болгария корхонасининг меҳ-наткашлари оилалари билан бирга Москва областидagi дам олиш уйига тақлиф этилди, москвалик илгор ишчилар эса Болгария курортларига бора-диган бўдилар. Болалар эса пионер лагерларида биргала-шиб дам оладилар. Бир-бирла-рига спорт командаларини юбориш ҳам мўлжалланади.

ЛАТВИЯ ССР. ВЛКСМ 50 йиллиги номидаги Огра трикотаж-йигирув ишлаб чиқариш бирлаш-маси касаба союз коми-тетти ишчи-хизматчилар-нинг саломатлигини ҳақи-да, улар учун яхши меҳнат шартонларини яратиш, шинам уй-жой-лар билан таъминлаш ҳақида гамхўрлик қил-моқда. Корхонада асаб-ларга ҳордиқ бериш ҳо-наси ташкил этилган. Ана шу ҳолада дам олиш, музика тинглаш, рангли диапозитивларни томоша қилиш мумкин. Цехларда ишловчилар учун шовқинни ўтказ-майдиган мосламалар сотиб олинган.

СУРАТДА: илгор иш-чи Т. Зуева ана шу мос-лама орқали таниш оҳангини тингламоқда.

ТАСС фотохроникалари.



С. ХИКМАТУЛЛАЕВА: Мен 10 фарзанди тарбия-лаб, Қахрамон она уновинга сазовор бўлганман. Қўн-га-ландерия фабрикасида ишла-ётганимга 10 йил бўлди. Ур-тача машина 200 сўм. Ай-тингчи, менинг қарилек пен-сиясини олишда бирор им-тиёз белгиланганми?

Жавоб: Амалдаги қонунда беш ёки undan ортқ бўла туғиб уларни сақиз ешгача тарбиялаган оналар 50 ёш-дан бошлаб қарилек пенсия-сига чиқишлари мумкин, де-йилган. Агар умумий иш ста-жиги 15 йилдан кам бўлса, у ҳолда тўлиқ бўлмаган меҳ-нат стажига тартибда (иш-стажи беш йилдан кам бўл-маса) қарилек пенсияни та-йинлашни мумкин.

Урнатилган тартибга қўра тўлиқ иш стажига жавобд ҳо-лда олиш иш ҳақинингнинг 30 проценти миқдорида қар-илек пенсияси олишнинг мум-кин.

К. АЛОВИДИНОВ: Мен билдим юртини туғатиб, фаб-рикада бёр йилга яқин иш-ладим. Сиртки олиш ўқув юртини битирдим. Ҳозир иш-дайман. Айтингчи, ўқини-даври иш стажига қўшилди-ми? Бу ҳақда меҳнат даф-тарчасига ёзув киритилди-ми?

Жавоб: СССР меҳнат ва соқил масалалар давлат ко-митетининг 1974 йил 20 ию-лидаги қарори билан тасдиқ-ланган инструкториянинг 25-бандига биноан қуйидаги ҳолларда хизмат ва ўқини-вакти меҳнат дафтарчасига киритилиб, умумий иш ста-жига қўшилди: агар ходим ўқинишга киришдан олдин ишчи ва хизматчи сифатида ишлаган бўлса; СССР Қуро-ли Кучлари составида хиз-мат қилган бўлса ва бошқа ҳолларда.

Меҳнат дафтарчасига олиш ва ўрта махсус ўқув юрт-ларининг махсус бўлимида-да, шу жумладан тайёрлов-курсида ўқинганини ҳақида-ги маълумот ўқув муассаса-си томонидан киритилди. Бундай ёзувни киритишга ўқувчиларнинг ўқиниш қабул қилинганлиги ҳамда студент-лар рўйхатидан чиқарилган-лиги ҳақидаги бўйруқ асос бўлади.

Олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларида ўқилган вақт давлат соқил страховани-си бўйича нафақа олиш ҳу-қуқини бермайди. Лекин, агар ишдан бўшланган кун ўқиниш кириш кунига бел-гиланган муддатдан олтиб кетмаса ёки ўқув муассаса-сидан ўқиниш тамом бўлиш-дан олдин студентлик рўйха-тидан чиқарилган вақт билан ишга қабул қилинган вақт уч ойдан ошмаган бўлса, меҳ-нат стажининг узлуқсизлиги йўқолишига таъсир қилмай-ди.

К. ХОЛМАТОВ: Ўз жа-гармасини омонат қасага қўйган киши вафот этса, омонат қасага қўйилган пў-лининг оиласига қайтарила-дими?

Жавоб: Омонатчилар дав-лат омонат қасаларидаги ва СССР Давлат банкидagi омонатлари юзасидан ўлим ҳолатидаги назаарда тутиб, вафот этганидан кейин маъ-лум шахсга ёки бир неча ки-шига омонатини бериш учун қилиш ҳуқуқига эгадилар. Бундай ҳуқуқга эгадилар. Назардан бу қўрқатма ва-сияни тегнашлари. Омонат-чи омонатни қонун йўли билан белгиланган ворислар доирасига киритган ёки кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга мерос тариқси-да қолдириши мумкин. Агар омонатчи (насса ёки банкга қўрқатма берувчи) қонуи бў-йича белгиланган ворислар-дан бирига омонатини васият қилса, бундай ворис меросга кирувчи бошқа мол-мўлк-ларидан ҳисса олиш ҳуқуқи-дан маҳрум қилинмайди.

Агар омонатчи омонат на-сса ёки банкга бўйруқ қолди-рмаган бўлса, омонатчи вафот этган тақдирда унинг омонат-ти ворислик қондалари бўй-ича умумий асосда ворислар-га ўтади.

А. ОРИПОВ: Тошкентда яшайганимга уч йил бўлди. Ойлавий шароитини яхши-лаш учун квартира олду-чилар рўйхатига ёзилми мақ-садида район ижроия коми-тетига бордим. У ерда беш йил яшаганимиздан кейин бундай рўйхатга олмасиз дейишди. Шу тўғрисида?

Жавоб: Ҳа, тўғри. Турар жой шароитларини яхшилаш-га муҳтож бўлганларнинг ҳисобига Тошкент шаҳрида камда 5 йил, республика (АССР), областга бўйсунувчи шаҳарларда камда 3 йил, бошқа шаҳарлар ва аҳоли пунктларида камда бир йил доимий яшайдиган ва пропе-ида бўлган кишилар (геоло-гия-қидирув ташкилотлари ва бошқа қонунда қўрқатил-ган ташкилотлар ходимлари бундан истисно) олинди.

А. ҲАСАНОВ, юрисконсулт.

сон қадр-қимматини тупроққа қоришти-ришдек фарёд акс этиб турибди. Бу ўринда бирон бир ёрдам бериш ҳам амри маҳолдек кўринади. Чунки одам адоий тамом бўлган. Уларнинг ҳали жу-дамм ёшлиги кишининг юрак-бағрини ўртаб юборади.

Альбомларнинг муқовасига 1986, 1987, 1988 деган саналар ёзилган. Аль-бомлари арақлар эканисиз ёш, лобар қиз-жувонларнинг, кўпинча эса ҳақиқа-тан ҳам гўзал аёлларнинг кўп ўтмай бевафот бўлиб, саргайиб қариб қолганини кўрасиз. Мана бу истариси иссиқ аёл сурагига қаранг, бу чехрада илгариги гўзаллиқнинг нишоналарини илгала олса бўлади, лекин бу аёл қарилек остонаси-дан бемавҳуд хатлаб ўтган, ана ўша ка-софат «хунари» оқибатида шундай бўлган. Бу аёлларнинг ҳар бири бахтиёр она бўлиши мумкин эди. Хоҳлаб-хоҳла-май уларга раҳмингиз келадди, бунинг учун мен ҳам гуноҳкоримни деган са-вол ҳам ҳаёлингизга келса ажаб эмас.

Шаҳар тери-таносил касалликлари диспансерининг бир қаватли биноси сайл-гоҳ-боғга ўхшаб кўринса ҳам, лекин ас-лида бу галатирок, эл-юртининг оёғи ет-майдиган бодир, у баландлиги 3 метр бўлган бетон девор билан ўралган, девор устига бир неча қатор тиконли сымлар тортилган. Милиция пункти орқали ўтиб,

Фоҳишалар одатда ресторан, кафе ва меҳмонхоналар атрофида ўралашиб юришади. Рейдлар натижасида ана шу жойларга мунтазам келиб турадиган 118 киши ушланиб, диспансера олиб келин-ди. Медицина қарови ўтказилганида, уларнинг 63 нафаридан таносил касалликлари, учтасида заҳм, 9 тасида гонорея касали борлиги аниқ-ланди. Шундоқ ҳам тўлиб-тошиб турган диспансера яна 63 киши келди. Шаҳримизда ўтказилган барча рейдлар-да аниқланган «мижоз»ларнинг 50 про-центдан кўпи касалга мубтало бўлган. Демак тасодифан бўладиган жинсий алоқалар тоғида касал юктириш ҳеч гап эмас экан. Рейд натижалари фоҳиша-бозликка қарши кураш ночор аҳволда эканлигини кўрсатди. Бу—афсус-надомат билан чуқур мулоҳаза қилиш лозим бўл-ган масалалар. Агар мабодо СПИД ка-сали юқадиган бўлса, унинг тарқалиши ва оқибатларини олдиндан айтиш муш-кул бўлиб қолади, чунки СПИД дардини 21 кундан кейингина аниқ диагноз қў-йиб, илгала олса бўлади.

Май ойдаги рейд натижасида дис-пансерага келган ўша «меҳмонлар»нинг ўзи ким? Даволашга жўнатишган 63 кишининг 42 таси Тошкент шаҳри ва областидандир. Булардан етти киши об-ласти шаҳарларида ана етти киши об-ласт қишлоқларидан келган. Етти

Камчаткадаги Петропавловск шаҳридан «таширфи буюрган» 20 ёшли Татьяна З. ҳам «Дружба» кафесида ушланган эди. У ҳам трихомонас касалига йўлиққан. Улар биргаликда «Вах» меҳмонхонаси-даги ҳолада яшар эдилар. Ўзларини бо-зорга солишиб, мижозларини шу ҳолада тақлиф қилиб юришган. Тўғтепалик 27 ёшлиги, ҳозир ҳеч қаерда ишлама-ётган Менифари Д. «Дўстлик» кафеси-дан олиб келинди. Бу аёл шу қаерга келган нечта одамга заҳм касалини юк-тирганини бирон бир киши айтиб бера олмаса керак. Бунинг аниқлаш қийин, чунки «у жамаанлари»нинг ҳатто исми-ни ҳам билмайди. 38 ёшли Махара С. фо-ҳишалик қилгани учун ушланган эди. У ҳам заҳм касалига мубтало бўлган экан. Бу аёлнинг на иш жойи бор, на бошпанаси. Гонорея касалига қалинган 17 ёшли Елена С. фамилияси р-парасида ҳам «дайд» деган ёзув бор. Энди нима бўлади? Қани эди, ўша кў-ни ўётган «лаззат-фароғат» дунёси?

Давлат йўлдан озган қизларга ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Аммо бу ёр-дам етарли эмас. Оммавий ахборот во-ситалари сўнгги йилларда мамлаки-тизда, айнакча республикамизда меди-цина хизмати кўрсатиш ниҳоятда орқа-да

муносабатимизини ҳам тубдан қайта кў-риб чиқиш лозим бўлади. Ҳозиргача биз озгина куч сарфлаб онда-сонда қурашиб турибмиз, ялм-фан ютуқларига ва со-циологик тадиқотларга таянаётганимиз йўқ. Бу ўринда эса замонавий восита-лар зарур. Масалан, картотека олиб бориш, материалларни системалаш учун шаҳар диспансерига ЭХМ даркор. Шундай қилинса ғиёҳандлар, гомосек-суалчилар ва фоҳишалардан ташкил толан ҳаффи группани назаорат қилиб туриш ва республикада СПИДнинг эҳти-мо тутилган пайдо бўлиши ва тарқали-шининг олдини олиш юзасидан комплекс профилактика ишнин юқориқор оператив даражада олиб бориш мумкин бўлур эди.

Хаффи группига кирадиган ва бетар-тиб жинсий алоқаларга мойил бўлган кишиларни аниқлаш юзасидан ишни доимо, муттасил олиб бориш керак. Бунинг учун эса мутахассислар зарур. Масалан, Рига шаҳрида бу ишни ахлоқ-одоб милицияси олиб боради. Бизнинг шаҳримизда эса юқорида айтиб ўтгани-миздек бу ишга баъзан баъзида жиноят қидирув ходимларини жалб этмоқдалар, бунинг устига ана шу ходимларнинг иш-и ҳам бошидан олиб ётибди. Тошкент ша-ҳрида аҳоли сонига нисбатан милиция со-ни умуман мамлакатда бўлганига қара-ганда икки баравар камдир. Бу ўринда биз давлат авторинспекцияси ходимлари ҳақида гапирётганимиз йўқ, бизда нор-мата кўра қанча бўлса, шунча ГАИ хо-дими бор. Аммо бу ташкилотнинг вази-фа ва бурчлари бутунлай бошқачадир. Тошкентда ҳам ахлоқ-одоб милициясини тузиш вақти келди. Бу милиция истиқо-мат жойларида ва шаҳарнинг олий ўқув юртларида, профилактика ва тарбия иш-ини олиб бораган бўлур эди, чунки худди ана шу ерлардан суюқ оёқ аёллар «ети-шиб» чиқмоқда.

— СПИДнинг олдини олиш учун ҳо-зир катта гайрат билан ишлаш, кучни ҳам, вақтни ҳам аямаслик керак, — дей-ди СССР Соқлиқни сақлаш министрли-ги иммунология институти филиали директори М. Н. Ризаев. — Бу ўринда тегишли район бўлимла-рининг шаҳар диспансери билан бирлашиши ёки ишни аниқ-пух-та мувофиқлаштириб туриш аначина самара берган бўлур эди. Аммо ходим ларимизнинг куч-гайратини ҳозирча ша-ҳар соқлиқни сақлаш Бош бошқармаси зарур даражада тўшуниб олаётгани йўқ. Масалан, диспансеримиз мутахассислари микроавтотусни қайтадан жиҳозлаб мах-сус лабораторияга айлантиришдан ва бу ерда хаффи группа вакилларининг ка-салга қалинган, қалинмаганини оператив аниқлаш мумкин бўлиб қолган эди. Бу ишнинг самарасини анча оширган эди. Шаҳар учун ана шундай учта кўчма махсус лаборатория етарли бўлиши ҳи-собалаб чиқилди. Аммо ана шу муҳим иш-га мадад бериш ўрнига диспансеримиз-дан ўша қайта жиҳозланган микроав-тотуси ҳам олиб қўйилди. Аппаратлар олиб ташланди ва пулик хизматлар ке-тидан қувниш, автобусни жамаатлар ко-оперативга бериб юборишди. Меҳнатнинг хаффи шароитлари учун диспансер хо-димларига тўланадиган 25 процентилик қўшимча ҳақни ҳам нега энди қисқар-тиришди?

Химия-фармацевтика заводида, шунингдек диспансера таносил ка-салликлари қарши пакетлар иш-лаб чиқариш ва аптекаларни улар билан таъминлаш таносил касал-ликларининг тарқалиши йўлига жиддий гов солиши мумкин бўлур эди. Диспан-серимиз ҳузурида очилган ишонч каби-нети ҳам ўзини оқлади. Одамлар, ис-м-фамилияларини айтмай, текшириш мақ-садида бу ердаги врачга мурожаат қи-лишлари ва ишлаб чиқаришдан ажрал-маган ҳолда ўш уйда яшаб туриб, яна тақдорлаб айтмасин, ис-м-фамилиясини пинҳон тутиб даволанишлари мум-кин. Масалан, кабинет очилган-дан бери орадан ўтган икки ой ичиди ва ерга юз киши мурожаат қилди. Уларнинг 22 тасида таносил касаллик-лар, иккитасида заҳм касали аниқланди. Ҳозир бу одамлар пинҳона даволаноқ-далар. Лекин Сергели шаҳрининг чети-да жойлашган бу кабинетга ҳамма ҳам бора олмайди. Шаҳар марказидаги Ки-ров кўчасида СПИДнинг диагностика маркази ана шундай ишонч кабинети-ни очинишга қарор қилинган эди. Аммо орадан бир неча ой ўтиб кетган бўлса ҳам шу кабинет учун мўлжалланган би-нони бўшатиб беришмапти.

Шаҳарда таносил касалликларининг олдини олишга оид профилактика иш-ида бошқа кўп муаммолар ҳам бор. Ҳамма-сини айтиб ўтишга имкон йўқ. Респу-блика Соқлиқни сақлаш министрлиги, Ич-ки ишлар министрлиги ҳамда бошқа ма-нафаддор идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари бирга йигилишиб, муаммони муножам қилиш ва тегишли чора-тад-бирлар қўришлари учун фурсат етилди.

Т. МУҲИДИНОВ,
В. АРКАДЬЕВ.

БЕҲАЁЛАР

ёки иффат пардаси кўтарилганда

бетон девор орқамизда қолганидан кейин яна бир металл панжара-деворга дуч келамиз. Бу девор устига ҳам тиконли сымлар тортилган бўлиб, биринчидан сал наридадир. Бараклар ўртасидаги майсазорда аёллар ўтиришибди, баъзи-лари ётишибди. Дастлаб қараганда бу курорт ёки дам олиш уйини ёсатлади, бу ердаги кишилар иш йўқлигидан зе-риқиб юришганди кўринади. Аслида эса бу «дам олиш уйи» таносил касал-ликлари қалинган фоҳишаларнинг «масканидир».

Диспансера қимлар ва қандай қилиб келиб қолганлиги? Вақти-вақти билан рейдлар ўтказилади. Шунинг рўй-рост ай-тиш керакики, рейдда ҳатто беғона куза-тувчи бўлиб иштирок этсангиз ҳам сира-сира дилхўш бўлмасиз. Бу ишга бево-сита бош кўншан дружиначилар, мили-ционер ва врачларга сабот тийишдан бош-қа ялоқ йўқ. Баъзан ана шу таноз «ма-лика»ларнинг оғзидан шунангани алмо-йи-алжойи сўзлар чиқадики, ёқангизини ушлаб қоласиз, қўлоғингизгача қизариб кетади. Бу беҳаёллар орасидан ғиёҳванд-лар ҳам истаганича топилади.

Лекин кимдир бу касофат билан кура-шиши керак, бунинг устига шаҳар азия-мизда бунга эҳтиёж ҳам ниҳоятда сези-либ турибди. Бутун жаҳонда СПИД ка-сали хаффи пайдо бўлган экан, шунингга кўра олжанго бўлган ана шу ишнинг ниҳоятда зарурлиги сезилиб турибди.

Планли рейдлар аслида ҳеч қандай самара бермайди. Рейд ўтказилгани шў-ри-сидиги хабар барвақт тарқалиб кетган-ни оқибатида шундай бўлмоқда, деб ха-бар қилдиладир. Бу ҳақда алоҳида ба-фуржа гапланмасиз. Тўсатдан бўладиган рейдлар эса таносил касалликларига йўлиққан фоҳишаларни ёки мутахассис-лар тили билан айтадиган бўлсак, «нопок материал» аниқлашга ёрдам беради. Шаҳримизда ана шу мараз, ана шу «нопок материал» аначина бор. Ушбу мақолани ёзишдан максад ҳам аҳолини оғохлантириб қўйиш, бу ҳақда гапириб беришдир. Кинофестиваль бошлангани олдиндан СССР Соқлиқни сақлаш ми-нистрлиги иммунология институти фи-лиали ва Тошкент шаҳар ижроия коми-тетти ички ишлар бошқармасининг таша-бу-си билан янжоат қидирув ва респу-блика СПИД маркази ходимлари ишти-роки билан бир нечта рейд ўтказил-ган эди, шаҳар тери-таносил касаллик-лари диспансери ҳам иштирок этган бу рейднинг ўтказишдан максад тери-таносил касалликларига йўлиққан фоҳишалар ва бетартиб жинсий алоқаларга муккасидан кетган шахсларни аниқлаш ва медицина-куригидан ўтказиш эди. Ана шундай рейдлардан бирида ушбу сатрларнинг муаллифлари ҳам қузатувчи сифатида қатнашдилар.

нафарининг аниқ яшайдиган жойи йўқ, уларни дайди ҳам дейишди. Бошқалари эса Свердловск, Камчаткадаги Петро-павловск шаҳри, Олмаота, Мурманск, Могилев шаҳарларидан «таширфи бую-ришган». Еши ҳақида гапирадиган бўл-сак, биттиси 14, учтаси 15—17 ёш ат-рофида, еттитаси 17—19, 42 таси 20—29, саккизтаси 30—39 ёшдадир. Соқил состави ҳақида сўз юратадиган бўлсак, биттиси мактаб ўқувчиси, биттиси ўрта хуна-техника билми юрти ўқувчиси, ўнтаси студент, ўн иккитаси иш-чи, ўн олтитаси хизматчи, ўн са-кизтаси ишламайдиган аёллардир. 52 киши «Тошкент», «Зарафшон», «Дўст-лик» сингари турли кафеларда ушланди, булар, айнакча «Экспресс» кафесида фўжгон ўйнайдилар. Икки киши диспан-сера иккинчи бор келтирилди.

Нега энди фоҳишалар кўчасига кириб кетадилар? Бу саволга тағ-заминли жавоб йўқ, чунки ҳали яқин-яқингача бизда фоҳишабозлик йўқ деб ҳисобланар ва ана шу соқил ҳодиса тадиқч этилмас эди. Бадиий адабиётлардан шу нарсга маълуки, одамлар бир бурда нонга зор бўлиб ночор аҳволда қолишганида бу-зуклик йўлига киришга мажбур бўлиш-ган. Шаҳар тери-таносил касалликлари диспансеридаги маълумотлар шундан далолат бериб турибдики, бу ердаги «ми-жоз»ларнинг ҳеч қайсиси бунчалик муҳ-тож бўлмаган. Диспансерадаге беморлар оёғи суюқлиқ хунарини кўпдан-кўп саба-бларга кўра таналаб олишгани равшан, ле-кин ўша «лаззат ва фароғат» дунёси, осонгина мўмай пул топиш имкония-ти уларнинг эс-хушини олиб қўйган, ана шу кўнча касб-хизмати чироилии ноқоб бу кишиларни маҳлиё этган. Фоҳишалар билан жарақ-жарақ пўл топиб яхши ки-йиниш ва «хўзур-халоватда» яшаш мум-киндай бўлиб қўйинган. «Мухаббат бо-зорига» дастлаб қадам қўйган одамга бу «олам» рангини бир саройдай кў-ринса ажаб эмас. Аммо кўп ўтмасдан, бу ёш жувонлар бахти қаро бўлиб қо-ладилар. Пул ва бойлик ўрнига даволаш қийин бўлган касаллар орттиришади.

Мана лоқал Роза Я. ни олайлик. Унинг фамилиясини айтмоқчи эмасмиз, балки у тўғри йўлни топиб олар, ҳаёт-нинг ҳақиқий қувончларига муассар бў-лар. Ахир кўзга қирқарб кўринган са-роб унинг жонига тегилиқ. Роза Олма-отадан келган. У ерда иккиламчи хом ашё корхонасида сараловчи бўлиб иш-ларди. Эндигина ўш саккиз ёшта тўлган. «Экспресс» кафесида ушланди. Клини-када унга ўткир гонорея касалига муб-тало бўлган деб диагноз қўйишди. Анди-К. Камчаткадаги Петропавловск шаҳри-дан келган экан. «Тошкент» кафесида ушланган. Ҳеч қаерда ишламайди, три-хомонас касалига қалинган. Еши 21 да.

қолаётгани ҳақида бир неча марта ёзган эдилар. Медицина қолқлиги аён, ле-кин биз тилга олган диспансера келсан-гиз бунга яна бир қарра ишончингиз ко-мил бўлади. Шаҳар тери-таносил касал-ликлари диспансерининг бараклари — эндиликда бўлган йили Сергелини қураган бинокорларнинг вақтинчалик оморбаридир. Улар нари борса беш йилга мўлжалланган эди. Орадан 22 йил ўтганидан кейин бу бараклар тўқилди деб турибди. Бараклар ичида юкгагина девор қўтарилиб коридорлар ва хоналар-га ажратилган, бу ерга устма-уст қилиб темир қаравотлар қўйилган. Бу ерининг торлигини асти қўйверинг.

Таносил касалликларига учраган бе-морларни даволайдиган муассаса алоҳи-да режим асосида ишлайди. Бирон-бир одам беморларни йўқлаб тансиқ оқват олиб келганида ҳам қабул қилинмайди. Бу ердаги кишиларнинг кўчилигини йўқловчи одамнинг ўзи ҳам йўқ. Ташки дунё билан алоқалар ниҳоятда чеклан-ган. Бу ерда даволаниш муддати касаллиқни даражасига қараб бир неча ҳафтадан бир неча ойгача давом этиши мумкин. Давлат ҳар бир бемор учун ку-нига 5 сўму 5 тийин сарфламоқда. Бу маблағнинг аначина қисми даволашга кетади. Масалан, заҳмин даволаш 3,5 минг сўмга тушади. Бу харажатларга яна ишлайдиган кишилар бюллетен-у учун оладиган ҳақни ҳам, бўш қолган иш жойидан йўқотишларни ҳам қўиши лозим бўлади.

Аслида-ку, диспансерада бирон-бир кў-юмларни ишлаб чиқаришни йўлга қў-йилса бўларди. Бу ерда даволанаётган одамларни фойдали меҳната жалб этиш керак, албатта. Ҳозир эса улар бекорчи-ликдан зерикиб юришибди, меҳнат тера-пеяси уларга фойдали бўлади. Шунинг эвазига уларнинг яшаш шароитини, трикичилигини яхшилаш, давлат хара-жатларини ҳам енгиллаштириши мум-кин.

Шаҳар тери-таносил касалликлари диспансери бош врачи С. А. Шукров-нинг фикрича, шаҳардан четроқда энди-ликда эс-хушини бир қадар янгиб ола-ётган фоҳишалар, ғиёҳвандлар, гомо-сексуалистларни даволаш учун дис-пансер филиалини қуриш ниҳоят-да зарур бўлиб турибди. Диспан-сернинг ўзини ҳам тубдан реконструк-ция қилиш зарур, ҳар 10 минг аҳолига белгиланган норматга кўра 3,1 процент ўрин бўлиши лозим, бунинг учун эса диспансери кенгайтириш керак.

Ҳамонки СПИД хаффи пайдо бўлган экан, фоҳишабозликка қарши курашга

